

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA-MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
“O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI”
“XORIJİY TİLLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA’NAVIY MEROsi – UMUMINSONIY
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

mavzusidagi

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR
MAQOLALAR TO'PLAMI**



BUXORO -2022

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA-MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
“O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI”
“XORIJİY TİLLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA'NAVIY MEROsi – UMUMINSONIY
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

mavzusidagi

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR
MAQOLALAR TO'PLAMI**



BUXORO -2022

Мазкур мақолалар тўплам 2022 йил 9 феврал куни Бухоро мұхандислик-технология институтида “Алишер Навоий маънавий мероси – умуминсоний қадриятлар сарчашмаси” мавзусида халқаро миқёсда ўтказилган масофавий илмий анжуман материаллари асосида тузилган. Анжуманда Алишер Навоий маънавий меросининг ўзлигимизни англаш мезони сифатидаги тамойиллари, Ёшларни касб-хунар ва илмий-инновацион фаолиятга йўналтиришда Ҳазрат Мир Алишер Навоий асарларида ифодаланган фундаментал тамойиллар ва шоир маънавий меросининг руҳий-маънавий, тарбиявий аҳамияти, Жаҳолатга қарши маърифат тамойили асосида курашишда инсонпарварлик ғоялари каби масалалар мұхокама этилди. Анжуманда Туркия, Қозоқистон мамлакатлари ва республикамизнинг таникли олимлари, докторант ва мустақил тадқиқотчилари ўз маъruzалари билан иштирок этилди.

Ушбу анжуман материаллари муаллифларнинг илмий изланишлари натижаси сифатида тўлиқ матни сақланган ҳолда нашрга киритилди.

Ташкилий қўмита аъзолари:

БухМТИ ректори, проф.Н.Р.Баракаев

БухМТИ илмий ва инновацион ишлар проректори

ф-м.ф.доктори М.Шарипов

БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири ф.ф.д.Г.С.Юнусова

БухМТИ “Хорижий тиллар” кафедраси мудири ф.ф.д PhD М.Баротова

Мусахҳих:

БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчisi Г.Х.Истамова

**Мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва имло жиҳатларига
муаллифлар масъулдирлар**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALISED EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**BUKHARA INSTITUTE OF ENGINEERING AND TECHNOLOGY
DEPARTMENT OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
DEPARTMENT OF FOREIGN LANGUAGES**

**INTERNATIONAL DISTANCE SCIENTIFIC SEMINAR
COLLECTION OF ARTICLES
on the subject**

**"ALISHER NAVOI'S SPIRITUAL HERITAGE - THE SOURCE OF
UNIVERSAL VALUES"**



BUKHARA-2022

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALISED EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**BUKHARA INSTITUTE OF ENGINEERING AND TECHNOLOGY
DEPARTMENT OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
DEPARTMENT OF FOREIGN LANGUAGES**

**INTERNATIONAL DISTANCE SCIENTIFIC SEMINAR
COLLECTION OF ARTICLES**

**"ALISHER NAVOI'S SPIRITUAL HERITAGE - THE SOURCE OF
UNIVERSAL VALUES"**



BUKHARA-2022

This collection of articles is based on the materials of the international distance scientific conference "Alisher Navoi's spiritual heritage - the source of universal values" held on February 9, 2022 at the Bukhara Institute of Engineering and Technology. Principles of Alisher Navoi's spiritual heritage as a criterion of self-awareness, fundamental principles expressed in the works of Hazrat Mir Alisher Navoi in directing young people to professional and scientific-innovative activities and the spiritual and educational significance of the poet's spiritual heritage, humanitarian ideas in the fight against ignorance are discussed. Well-known scientists, doctoral students and independent researchers from Turkey, Kazakhstan and the Republic of Uzbekistan took part in the conference.

The materials of this conference have been published in full text as a result of the authors' research.

Members of the Organizing Committee:

Rector of BukhIET, prof.N.R.Barakaev

Vice-rector for scientific and innovative work of BukhETI

DSc.of Ph-M. M.Sharipov

Head of the Department of Uzbek Language and Literature, BukhETI,

DSc. G.S.Yunusova

Head of the Department of Foreign Languages, BukhETI, PhD M.B.Barotova

Editor:

Teacher of the Department of Uzbek Language and Literature, BukhETI,
G.Kh.Istamova

The authors are responsible for the accuracy and cohesion of the information in the articles.

бўлган қалбdir, уни тавоф этиш мард кишининг қўлидан келади, дейдилар мавлоно. Бу ғояни ўз ижодида ривожлантирган Ҳазрат Мир Алишер Навоий таъкидлайдиларким:

Кўнгли синик бир кишининг хотирин шод айламак,

Онча борким Каъба вайрон ўлса обод айламак.

Демак, кўнгли синик, дили вайрон инсонни хотирини шод айламак учун, унинг кўнглини кўтариш учун унга қаср қуриб бериб эмас, балки меҳр белгиси сифатида ширин сўз айтиш, яхши муомала қилиш ҳам Каъбатуллоҳдек муқаддас даргоҳни таъмирлаб, обод этиш билан баробар экан. Шунинг учун ҳам ҳар бир фикримизни ифода этадиган сўзимиз, ҳар бир қиладиган муомаламиз бизнинг маънавиятимиз белгиси экан.

Азизлар биз ушбу мулоҳазаларимиз орқали сиз зукко ўқувчига куйидагиларни таъкидламоқчи эдик холос:

-Сўз-қалбдаги инжуларни ифода эта оладиган қудратли қуролдир. Унинг таъсирида энг нозик туйғулар уйғониши ёки бир умрга барбод бўлиши мумкин;

-Ҳазрат Навоий таъкидлаган “вужуд”ва “тафаккур” тушунчалари ҳар бир инсонни фикрлашга ундейди. Яни бошимизга келадиган ҳар қанча эзгулик ёхуд ёвузликлар бизнинг огоҳлигимиз ёхуд фафлатдалигимизданdir;

-Инсон қалби яратганинг макони экан, уни асрай олишимиз ва эзгулик уруғини сочишимиз бизнинг энг буюк мақсадимиз бўлмоғи даркор.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР НАМУНАЛАРИ

Ражабова Раъно Зариповна

БухДУ Ўзбек филологияси факультети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

катта ўқитувчиси, ф.ф.ф.д(PhD)

Аннотация: Мақолада ҳалқ қўшиқлари бадиий тафаккурнинг оғзаки жонли ижро жараёнида шаклланган ўзига хос поэтик силсила бўлганлиги ва

Навоий ижодидаги халқ шеърияти ва халқ куйлари хақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: фольклор, ёзма адабиёт, қўшиқ, ёр-ёр, халқ шеърияти, халқ куйлари.

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати нафақат Шарқ балки Жаҳон адабиётида ҳам илк тамаддунини бошлаб берган омил сифатида давом этиб келмоқда. Айни ҳодиса ҳар бир халқ миллий адабиёти ривожи ҳамда тараққиёт тамойиллари мезони сифатида ўрганиб келинмоқда. Ёш авлодни миллий анъаналарга садоқат руҳида камол топтиришда фольклор асарларининг таъсири ва ўрни бекиёслиги инобатга олиниб, таълим-тарбия соҳасида уларни ўргатишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Фольклор асарларида халқимизнинг юксак орзу-интилишлари, эрк ва озодлик йўлидаги мардона курашлари ўз бадиий ифодасини топган. Хусусан, аждодларимиз ақл-заковати билан яратилган сермаъно ва сержило қўшиқлар, ўтмиш воқеаларидан сўйловчи қизиқарли афсона, ривоят, эртак ва достонлар, пурхикмат ва ибратли мақоллар, топқирликка чорлаб, зеҳнни чархлайдиган, билимни орттирадиган топишмоқлар, нутқни ўстирувчи тез айтишлар, кулдириб завқ бағишлидиган асқия, латифа, лофлар ҳар бир қалбда ватанпарварлик ва миллатпарварлик ҳисларини кучайтиришга хизмат қилиши билан қадрлидир.

Халқнинг ижодкорлик даҳосини улуғлаган Навоий асарларида халқ поэтик ижодиётига кўп эътибор қаратган. У халқ поэтик ижодиётини ниҳоятда севган, уни қадрлаган, халқ поэзиясининг ранг-баранг бойликларидан ижодий фойдаланган, халқ шеъриятининг айрим тур ва хусусиятларини тадбиқ қилган. А.Навоий халқнинг қисса, эртак, топишмоқ, қўшиқлар сингари жанрларига устозлари ва замондошлари каби катта эътибор бериб, улардан баҳраманд бўлган.

Халқ поэтик ижодиётига туганмас маънавий ва бадиий хазина деб қараб, унга доим мурожаат қилас, халқ асарларининг образлар тизими ва

санъаткорлик сирларидан ўрганар, илхом олар эди. Навоий халқ поэтик ижодиётини билмаган ёки менсинмаган халқ шеъриятидан таълим ва баҳра олмаган нозимларни қаттиқ қоралайди, танқид қиласи. Навоий «Туюқ» (шеърий шакллардан бири қўшик, базмларда тўклиаркан, «Туюқ»-туймок феълидан) ва қўшик баҳрини, халқ шеъриятини билмаган шоир ҳам, бўш, «асар» яратишни мумкин деб хисоблар ва бундай санъаткорлар билан муроса қила олмас эди. Бу Навоий адабий эстетик принципини узвий халкасини ташкил этади. Навоий ва устоз санъаткор А. Жомий халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлиб, уни тарғиб этиб қолмасдан, балки халқ оғзаки ижодининг бойликларини ўзига хос хусусиятларини текширди, илмий асосда ёритди. Бу хусусан «Мезон ул-авзон» га «Вазнлар ўлчови» таалуқлидир. Ушбу асар аruz назариясига ривожга хисса бўлиб қўшилиши билан бирга биринчи бўлиб туркий халқлар ва шеъриятидаги арузни тадқиқ этган асар сифатида қимматлидир. «Мезон ул-авзон», умуман вазн масалаларига бағишлиланган асар бўлмай, балки аруз вазнига бағишлиланган. Аруз халқ шеъриятига маълум даражада киришиб борган, сингиб қолган эди. Қўшиқларнинг бир неча тури арузда айтилар эди. Навоий «Мезон ул-авзон»да мана шундай қўшиқларни таъриф-тавсиф қиласи. Чунончи, Навоий шоирларнинг туюқлари «қўшик» ҳақида фикр юритади.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида арузнинг қонун-қоидалари, тақтесь, руҳн ва шунга ўхшаш масалаларни шарҳлаш билан бирга, ёзма ва халқ оғзаки ижоди ўртасидаги алоқаларни биринчи марта ёритди. У ўзбек оғзаки ва ёзма адабиёт ҳамкорлиги туфайли ривожланган (туюқ), халқ оғзаки ижодидаги жанрларнинг ёзма адабиётга кириб бориши (chanги ёки ёр-ёр) масалаларига алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида халқ арузи ҳақида шундай мисоллар келтиради: “Яна “чинга”дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчирув тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят мутассир ва икки навъдир. Бу навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким,

мунсариҳи матвийи маҳзуф баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоғким:

Қай-си ча-ман-/дин э-сиб/ **кел-ди**/са-бо/ё-р(и) ёр,

Ким да-ми дин/туш-ти ўт/жо-ни-ма ро/ ё-р(и) ёр.

— V —/— V — / — VV —/— V —

Муф-та-и-лун фо-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун

Мунсариҳи мусаммани матвийи марфуъи музолл.

Алишер Навоий турк халқини мақтаб, қиз қўчирув тўйларида ёр-ёрни айтишларини эътироф этган ва икки турдан иборат эканлигини, бир тури эса аruz қоидаларига тўғри келмаслигини, яъни у бармоқ вазнида эканлигини айтади.

“Алишер Навоий ўзбек халқ қўшиклари “чинга”, ”мустазод”, ”арузворий”, “туркий” кабилар билан ёзма адабиётдаги аruz вазни ўртасида муштараклик борлиги ҳақида биринчи бўлиб ёзади. Оёқ ва кўл ҳаракатлари ритмида яратилган бу фольклор материалларининг вазни аruz вазнига мос келишини алоҳида таъкидлайди. Бу эса аruz вазни туркий тилларга тўғри келмайди дегувчиларнинг даъволари асоссиз эканлигини кўрсатади”[1.13].

Алишер Навоий халққа машҳур бўлган тўққизта янги вазн ва шеърий шаклни қайд этади. “Навоийнинг шеърий шакллар ва вазнлар ҳақидаги фикрларининг яна бир муҳим томони бор. Вазнлар бобида Навоий фольклор поэзиясининг метрикасига ҳам тўхтайди. Биринчидан, Навоий туркий халқларда аруздан бошқа яна мустақил поэтик вазн, метрик форма борлигини бир неча марта қайд этади”[2.268].

Бобур ёзади: “Атрок орасида бир суруд борким, “ўлан” дерлар, аксар тўйларда айтурлар, бу вазн анга мавсумдур. Аввал сурудга тақсим қилурда ҳар мисрадин сўнг “ёр-ёр” лафzin келтирурлар” [3.89].

Масти мудом, эй кўнгил кўзи э-кин,

Нути Масио деган сўзи экин.

Қадр кечаси шикан зулфи анинг,

Не кишига, эй кўнгил, рўзи экин.

“Бобур бу тўртликни мисол тариқасида келтиради ва ҳар бир мисранинг охирида агар “ёр-ёр” сўзини қўшадиган бўлсак, мунсарехи мусаммани матвийи макшуф ҳосил бўлади, деб эътироф этади” [4.13].

Бобур айтган “ўлан” Навоийнинг “чинга”сига рост келади. Бинобарин, улар тўй маросими қўшиқлари бўлса-да, тўйнинг икки маросимида ижро этилиб, айру-айру вазифа адо этиши билан фарқланади. Бобур шу фарқقا “ўланнинг” аёлғу-айтишув руҳидалигини таъкидлаш билан ишора қилган. Шу билан бирга, “ёр-ёр” радифи билан келишини ҳам таъкидлайди.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг туркий, тархоний, ўлангчий қўшиқ ҳақида ёзганлари ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. Чунки уларнинг ҳаммаси XV-XVI асрларда шаклан ғазал бўлиб ҳисобланади. Демак, туркий, тархоний, ўлан қўшиқларнинг XV-XVI асрларда ғазал шакли асосида яратилиши туркий тилли халқлар ижодидаги адабий жанрлар хусусиятининг ғазал шаклига кириб, анъанавий ғазалнинг ўзгаришларга учраганини очиқ-ойдин намойиш этади. Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобур бу фикрларни илмий асослаб бердики, бу адбиётшунослик ютуғи эди.

Хуллас, Навоий халқ шеърияти ва халқ куйлари хақида жуда қимматли маълумотлар берди, фикр-мулохаза юритди. Халқ шеърияти билан ёзма шеърият ўртасидаги алоқага алоҳида эътибор беради, шоирларни халқ ижодиётидан ўрганиш таълим олишга чақиради. Навоий халқ ижодиётидан доимо илҳомланди, ундан файз ва завқ олди, халқ ижодиёти унга катта мактаб сифатида хизмат қилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алиев С. Аruz ilmi. – Бухоро, 1995. – Б.13.
2. Навоий Алишер. Мезонул-авзон. Асарлар XV томлик, XIV том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б.268.
- 3.Бобур З.М. Мухтасар, – Т.: Фан, 1971. – Б.89.
4. Олимов М. Рисолаи аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – Б.13.

- 5.Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи». Т.1976 й.
- 6.Зарифов X. Халк оғзаки ижоди ва классик адабиёт. «Шарқ юлдузи», 3-сон. 1946.
- 7.Хамидов. Авесто ва маънавият. Т. 2001 й.
8. Навоий А. Бадое ул-васат. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилд. 6-том. Т. 1990 й.

НАВОИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АРБАЬИН ЖАНРИ

Таджиев Хамидулла Хабибуллаевич, PhD

М.Авезов номидаги Жанубий Қозогистон университети

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий хақида, унинг бой адабий меъроси хақида жуда кўп гапириш мумкин. Навоийни нафақат буюк шоир, мутафаккир, балки Ислом дини илмларини ҳам назарий, ҳам амалий эгаллаган шаҳс сифатида танишимиз мумкин.

Навоий инсонларни Ислом дини асослари орқали тарбиялаш ишига алоҳида эътибор берди. Олим энг аввало, ислом динида илмнинг фойдасига эътибор қаратди, инсонларни исломий маърифат йўлида бирлаштириш хақида ажойиб фикрларни олға сурди. У ақл ва илм инсоннинг энг гўзал ва зарурий фазилатларидан бири эканлигини, ҳар бир кишининг энг муҳим бурчи илм олишдир, деб ҳисоблади. Навоий илм-фанни эгаллаш учун ёшлиқдан бошлаб астойдил ўқиш-ўрганиш керак: «Ёшлигингда йиғғил билимни, қаригач сарф қилғил ани», деган шоирнинг ўзи ҳам жуда ёшлигидан таълим олади, ўқишга берилади.

Маълумки, хадис илми исломий илмларнинг асосларидан бири ҳиобланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) дан етган хар бир хадис умматнинг камолоти учун ҳизмат қилиши хақида жуда кўп олимлар меҳнат қилишди. Имом Ал-Бухорий, Термизий, Муслим, Абу Довуд, Имом Насаий сингари олимлар номини тилга олиш мумкин.

Sulaymonov va Fozila Sulaymonova tomonidan Navoiyning bir qancha yangi g`azali topilgan va chop etilgan edi. Ko`plab xorijlik olimlar uning hayoti va ijodini tadqiq va tahlil etib kelishmoqda. Turkiya, Eron, Ozarboyjon va mintaqamizdagи barcha mamlakatlarda uning asarlari takror va takror nashr qilingan va qilinmoqda. Xususan, Eron va Tojikistonda Navoiyning fors tilidagi asarlari, jumladan "Devoni Fony" atroflicha o`rganilgan, o`rganilmoqda. Ushbu mamlakatlar adabiyotshunoslari fikricha, bu borada Navoiy fors-tojik adabiyotining eng etuk vakillari bilan bemalol bellasha oladi. Navoiy avvalo turkiy adabiyotning zabardast vakili sifatida ma`lum va mashhur. Shu bois, Turkiyada uning merosiga qiziqish katta. So`nggi yillarda bu erda "Mezonul-avzon", "Lisonut-tayr", "Farhod va Shirin" kabi asarlari bosilib chiqdi. Bobokalonimiz ijod namunalari rus, nemis, frantsuz va boshqa tillarga ham o`girilgan. tgan yili "Lisonut-tayr" dostoni ingliz tiliga tarjima qilindi.

Ulug` bobomizning asarlari hech qachon o`z ahamiyatini yo`qotmagan, yo`qotmaydi ham. Navoiyning o`tkir nigohi faqat o`z davrini emas, balki abadiyatni ko`ra olgan. Bugungi kunda global ahamiyat kasb etayotan istalgan muammoni oling: ekologik tanglikmi, terrorizmmi, diniy aqidaparastlikmi. Hamma-hammasiga Navoiy asarlaridan javob topsa bo`ladi.

Foydanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Брагинский И.С.К изучению узбеско-таджикских литературных связей. Вкн. “Взаимосвязи литература востока и запада”-М.:изд.ИВЛ,1961.стр.7-56
2. Hayitov Sh. Barkamol inson timsoli.Monografiya. -Toshkent: Fan-2003.-96 b.
3. Hayitov Sh. Alisher Navoiy nasrida komil inson obrazi: Filol.f.dokt.diss.-Farg'ona,2020.-307 b.
4. Navoiy A.Xamsatul-mutahayyirin.-Mukammal asarlar to'plami.20 jildlik, 15-jild.-Toshkent: Fan,1999.-236-b.

MUNDARIJA

F.I.Sh.	Maqola nomi	Bet
Kenan Koch.	Өлішер Науаи	10
Olim S.	Alisher Navoiy – davlatshunos	21
Мадаева Ш.О.	Алишер Навоий фалсафасида космологик онтология тамойиллари	33
Hayitov Sh.	Nazm – ijodkor qalbining tarjimasi	39
O'raeva D., O'raeva G.	Alisher Navoiy g'azallarida til odobiga oid tushunchalarning iboralar orqali ifodalanishi	45
Quvvatova D., Sharipova R.	Alisher Navoiy she'riyatida shamol obrazi talqini	51
G'afforova Z.	Navoiy "Hayrat ul-abrор"ida rostlik targ'ibi	54
Rajabova M.	Alisher Navoiyning "Nasoyim ul - muhabbat" asaridagi tushlarga doir mulohazalar	59
Yunusova G., Samiev A.	Hazrat Mir Alisher Navoiy ijodida o'zlikni anglash g'oyasi	68
Rajabova R.	Navoiy ijodida folklor namunalari	72
Tadjiev X.	Navoiy va o'zbek adabiyotida arba'in janri	77
Казимова Г.	Один из гениев узбекской литературы средних веков - Алишер Навои	80
Sulaymonova D.	Important aspects of the work of the representatives of the lake school	86
Sohibova Z.	G'am xazonin zohir etmish chehrayi zardim mening	94
Асрарова М., Джураев Ф.	Воспитание нравственных качеств личности на примере творчества Алишера Наваи	98
Камалова Д.	Алишер Навои – гордост Узбекского народа	103
Баратова М., Джураев М.	Вопросы личности автора и буквальной текстуры	106
Баратова М.	Философские основы художественно-эстетических взглядов Алишера Навои	113
Ахмедова Г., Жураев А.	Алишер Навои - чест Узбекского народа	118
Fayzieva M. , Kudratova K.	Alisher navoiy asarlarida ona timsoli talqini	122
Караматова З.	Бесценный дар, оставленный предками	125
Karamatova Z., Rasulova N.	Interpretation of the women's image in Alisher Navoi's works	129
Mamedova M., Toshev Sh.	Ascetic lifestyle of A. Navai	132
Niyazova M., Oromova M.	Interpretation of Sabai Sayyor epic poem in Khamsa	136
Norova M., Norova M., Norova F.	Life and work of Alisher Navoi, the founder of the uzbek literary language and literature, poet, scientist and educator	139
Odinayeva N. , Hamitova S	Alisher navoiy asarlarida o'zlikni anglash g'oyasi.	144
Kurbanov A., Choriev G'.	The study of Alisher Navoi's heritage begins with the study of his life and creative way	149
Kurbanov A.	The study of Alisher Navoi's literary heritage is in the eyes of scholars	153
Safarova Z. Tursunova Ch.	Ancestor of the uzbek literary language	158
Saidova Z.	Reflection of humanity, active entrepreneurship and innovative ideas in Alisher Navoi's works	163
Саломова М., Зохирова А.	Философско-эстетическая сущность в поэзии	166